



ЯНГИ ТУГИЛГАН ЧАКАЛОКЛАРДА УЧРАЙДИГАН ПНЕВМОПАТИЯЛАР ТУРЛАРИНИНГ СОЛИШТИРМА ТАХЛИЛИ.

Аширматов Шерали Нурмахаматович.

Физиология ва патология кафедраси ассистенти.

Тошкент Давлат Стоматология институти.

Мавзунинг долзарблиги: Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда ўртача ҳар ўнинчи ҳомиладорлик етилмасдан туғилиш билан тугайди ҳамда 15 миллионга яқин етилмасдан туғилган чақалоқларнинг 1 миллиони бир кун ичида вафот этади. Ҳар йили дунёда чақалоқларнинг респиратор патологиясидан 2,8 дан 3,2 миллионгача ўлим юз бераётганлиги ЖССТ маълумотларида қайд этилади. Ушбу маълумотлар нафақат перинатал патологиялардан вафот этган, балки пневмопатиянинг шиш-геморрагик, гиалин-мембранали, коғонок суви ҳисобига ва бирламчи ателектаз шаклидан вафот этган янги туғилган чақалоқлардаги ўзгаришлар юзасидан илмий тадқиқотлар ўтказилиши долзарб эканлигини кўрсатади.

Калит сузлар: *пневмопатия, ателектаз, аспирация, гиалин мембрана, қоғоноқ суви.*

Ключевая слова: *пневмопатия, ателектаз, аспирация, гиалин мембрана, околоплодные вод.*

Keyword: *pneumopathy, atelectasis, aspiration, hyaline membrane, amniotic fluid.*

Тадқиқот мақсади: Гўдакларда Тошкент шаҳри бўйича пневмопатиянинг турли шакллари бўйича ўлганлардан олинган туқимани ўрганиш, уларни ёши, жинси ва морфологик жихатдан солиштирма таҳлил қилиш.

Материал ва усуллар: Тадқиқот РСТЭИАМ, Тошкент шаҳар филиалининг суд-гистологик бўлими натижаларига кўра, пневмопатиялар орасида энг кўп учрайдиган шакл — шиш-геморрагик тури бўлиб, жами ҳолатларнинг 47 тасини (58.7%) ташкил етди. Кейинги ўринларда: гиалин мембрана синдроми – 11 та (13.7%), коғонок-сувли пневмопатия – 9 та (11.2%) ва ламчи ателектаз – 13 та (16.2%) ҳолат қайд етилди.

Жинс бўйича тақсимотга кўра, пневмопатияли чақалоқларнинг аксарияти (61.2%) қиз болалар бўлиб, бу ҳолат касалликнинг жинс билан боғлиқ омилларини тахмин қилиш имконини беради.



Хулоса: Янги туғилган чақалоқларда пневмопатиялар орасида шиш-геморрагик шакл энг кўп учрайдиган форма эканлиги аниқланди. Жинс жиҳатдан қиз чақалоқларда юқори учраш тезлиги кузатилди. Ушбу маълумотлар пневмопатияларни ерта аниқлаш ва дифференциал ташхислашда муҳим аҳамиятга ега бўлиб, клиник амалиётда диагностика ва профилактика чораларини белгилашда асос бўла олади.

Адабиётлар:

1. М.С.Абдуллаходжаева. Одам патологияси асослари. Абу Али ибн Сино номидаги нашр. 2011й. 1-2 қисм.
2. Н.Ш.Шевченко, Ж.И.Муканова Патологическая анатомия. Москва. Владос пресс. 2005. 2.М.А.Пальцев, Н.М.Аничков. Патологическая анатомия. Москва. Медицина. 2001. Т-1.
3. Лекции по общей патологической анатомии Под редакцией акад.М.А.Пальцева. -М.: Издательский дом «Русский врач». 2003.
4. Патологическая анатомия (курс лекции) п/р. Акад. РАМН В.В.Серова и др. Москва. Медицина 1998.
5. Гистология. п/р. Ю.И. Афанасьева, Н.А.Юриной. Москва. Медицина 2001,
6. Патофизиология. п/р. П.Ф.Литвицкого. Москва. Медицина, 1997.